

**ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ**

**ҚУРИЛИШ ИШЛАРИГА РЕСУРС  
ЭЛЕМЕНТЛИ СМЕТА НОРМАЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАДБИҚ ЭТИШ  
БЎЙИЧА УМУМИЙ НИЗОМ**

**“ИҚТИСОДИЙ НОРМАЛАР”**

**ШНҚ 4.02.00 - 20**

**РАСМИЙ НАШР**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**Тошкент 2020**

**ШНҚ 4.02.00-20** Қурилиш ишларига ресурс элементли смета нормаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш бўйича умумий низом. Тошкент 2020. 22 бет.

**ИШЛАБ ЧИҚДИ ВА КИРИТДИ:** Лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида иқтисодий ислохотлар бошқармаси Ш.И.Содиқов, А.Худойназаров (Қурилиш вазирлиги), “Qurilish iqtisodiyoti instituti” МЧЖ (М.С.Мустапов, С.П.Яковлев, Б.Р.Рохмонов) қайта ишланган.

**МУҲАРРИРЛАР:** Б.И.Закиров, Ш.С.Хидоятлов, Б.С.Садиқов, Ш.И.Содиқов (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги), М.С.Мустапов, С.П.Яковлев (“Qurilish iqtisodiyoti instituti” МЧЖ).

**ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАДИ:** Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Техник меъёрлаш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси (А.А.Муслимов, Ж.А.Бўтаёров).

**ТАСДИҚЛАНДИ:** Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 05 январдаги 4 - сон буйруғи билан. Амалга киритиш санаси 2021 йил 1 апрель.

ШНҚ 4.02.00-20 “Қурилиш ишларига ресурс элементли смета нормаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш бўйича умумий низом” жорий этилиши билан ШНҚ 4.02.00-04 “Қурилиш ишларига элементли ресурс смета нормаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш бўйича умумий низом” Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз кучини йўқотади.

Норматив ҳужжатдан фойдаланилганда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси “Ўзстандарт” Агентлиги томонидан нашр этилган қурилиш нормалари ва қоидаларига ҳамда давлат стандартларига киритилган ўзгаришлар ҳисобга олиниши керак.

## МУНДАРИЖА

1.	УМУМИЙ ҲОЛЛАР	4
2.	ҚУРИЛИШ ИШЛАРИГА РЕСУРС ЭЛЕМЕНТЛИ СМЕТА НОРМАЛАРИ ТАРКИБИ ВА УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ	5
3.	ИШЧИ-ҚУРУВЧИЛАР МЕҲНАТ САРФИ, ҚУРИЛИШ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР ЭҲТИЁЖИ, МАТЕРИАЛ РЕСУРСЛАРИ, ИЧКИ ҚУРИЛИШ ТРАНСПОРТИ МАТЕРИАЛ РЕСУРСЛАРИ ҲИСОБИ МЕЪЁРЛАРИНИ АНИҚЛАШ	8
4.	РЕСУРС ЭЛЕМЕНТЛИ СМЕТА НОРМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР	9
5.	1-ИЛОВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИГА РЕСУРС ЭЛЕМЕНТЛИ СМЕТА НОРМАЛАРИ ТЎПЛАМЛАРИ РЎЙҲАТИ (ШНҚ 4.02.)	12
6.	2-ИЛОВА РЕСУРС ЭЛЕМЕНТЛИ СМЕТА НОРМАЛАРИ НАМУНА ЖАДВАЛИ	14
7.	3-ИЛОВА ЛОЙИҲАЛАРДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ШАРОИТЛАРИ ТАЪСИРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ УЧУН МЕҲНАТ САРФИ ВА МАШИНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САРФЛАРИ НОРМАЛАРИГА КОЭФФИЦИЕНТЛАР	15
8.	4-ИЛОВА ХРОНОМЕТРАЖ КУЗАТУВЛАРИ БАЁНИ ТУЗИШ НАМУНАСИ	21

Мазкур “Умумий ҳоллар (низом)” ресурс элементли смета нормаларини ишлаб чиқиш умумий тартибини белгилайди.

Ушбу бобда қуйидагилар келтирилган:

умумий ҳоллар;

қурилиш ишларига ресурс элементли смета нормаларини таркиби ва ишлаб чиқиш тартиби;

қурувчи-ишчиларнинг меҳнат сарфи нормаларини аниқлаш, машина ва механизмлар эҳтиёжи, материал ресурслари, ички қурилиш транспорти ва материал ресурслари сарфини ҳисобга олиш;

ресурс элементли нормаларни қўллаш бўйича кўрсатмалар;

ШНҚ нинг мазкур бобига Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган қурилиш ишларининг ресурс элементли смета нормалари тўплами ҳамда мазкур тўпламларга киритилган қўшимчалар мажбурий ҳисобланади.

## **1 УМУМИЙ ҲОЛЛАР**

1.1 Ресурс элементли смета нормалари бирламчи смета нормалари бўлиб, уларнинг асосида қурилишни ҳисобли баҳосини аниқлашга мўлжалланган ресурс сметалари ишлаб чиқилади.

1.2 Ресурс элементли смета нормалари прогрессив ва рационал усулларни акс эттиради, қурилишни ташкил қилиш ва технологияни, самарадор машина ва механизмларни, замонавий қурилиш материаллари, буюм ва конструкцияларни қўллашга асосланади.

1.3 Ресурс элементли смета нормаларини қурилиш ишлаб чиқаришида кенг қўлланиладиган, танланган турдаги ва қайта қўлланилаётган тежамкор индивидуал бино ва иншоатлар лойиҳаларида кўзда тутилган қурилиш конструкциялари ва ишлари учун ҳамда қурилиш лойиҳаларида қўлланиладиган қурилиш конструкциялари ва узелларининг амалдаги стандартларида ва бир хиллаштирилган намунавий ечимларида қўлланиладиган қурилиш конструкциялари ва ишлари учун ишлаб чиқиш зарур.

1.4 Ресурс элементли смета нормалари шунингдек, бино ва иншоатлар ёки уларнинг қисмларининг йириклаштирилган ресурс смета нормаларини ишлаб чиқишда асос бўлиб, алоҳида техник ечимларни иқтисодий баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ҳам хизмат қилади.

1.5 Ресурс элементли смета нормалари қурилишни ташкил қилиш лойиҳалари ва қурилишни амалга ошириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда ресурс сарфини аниқлаш учун маълумот сифатида хизмат қилиши мумкин.

## **2 ҚУРИЛИШ ИШЛАРИГА РЕСУРС ЭЛЕМЕНТЛИ СМЕТА НОРМАЛАРИ ТАРКИБИ ВА УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

2.1 Ресурс элементли смета нормалари ишчилар ва машиналар меҳнати сарфи киши-соатда (киши.соат), қурилиш машиналарига эҳтиёж машина-соатда (маш.-соат) норматив кўрсаткичида белгиланади, конструкция ва ишларнинг аниқланган тури бир миқдор ҳисобида, материаллар, буюмлар ва конструкциялар физик миқдор ўлчовида қабул қилинади.

2.2 Ресурс элементли смета нормаларини ишлаб чиқишда қуйидагиларга риоя қилиш лозим:

қурилишда ишчиларнинг меҳнати ва иш ҳақи, қурилиш машиналаридан фойдаланиш, йўриқномалар ва кўрсатмаларга ҳамда қурилишда материаллар сарфи бўйича умумий ишлаб чиқариш нормаларига;

қурилишни лойиҳалаштириш ва қурилиш – монтаж ишларини амалга ошириш бўйича бошқа йўриқнома ва кўрсатмаларга.

2.3 Ресурс элементли смета нормаларини ишлаб чиқиш учун қуйидагиларни ўз ичига олувчи бошланғич шартлар тузилади:

қурилиш конструкциялари, маҳсулотлари ва узелларида илғор техник ечимлар ўз аксини топган танланган намунавий ва қайта қўлланиладиган тежамкор индивидуал бино ва иншоотлар лойиҳалар рўйҳати;

мазкур нормаларни ишлаб чиқишда қўлланиладиган қурилиш конструкциялари ва узеллари стандартлари, бир хиллаштирилган ва намунавий ечимлари рўйҳати;

қурилиш ишларини амалга ошириш лойиҳалари, ҳамда олдиндан ишлаб чиқилган ва зарур бўлган ҳолларда ишларни ташкил қилишнинг замонавий, илғор усуллари инobatга олинган, қўшимча ишлаб чиқиладиган технологик хариталар рўйҳати;

мазкур нормаларни ишлаб чиқишда инobatга олиниши керак бўлган меъёрий хужжатлар, йўриқномалар ва кўрсатмалар рўйҳати;

материаллар, маҳсулотлар ва конструкцияларни иншоот олди омборидан уларни ўрнатиш жойигача ташиш, монтаж қилиш ёки ишга туширишга тайёрлаш учун ички қурилиш транспорт шартлари, ҳамда уларни мазкур нормаларда расмийлаштириш тартиби;

норматив кузатувлар натижалари (хронометраж ишлари ўтказилганда).

Дастлабки шартларда ресурс элементли смета нормалари параграфларини ҳам қўрсатиш лозим бўлади.

2.4 Ресурс элементли смета нормаларини ишлаб чиқиш учун норматив база таркибига қуйидагилар киритилади:

ишчиларнинг меҳнат сарфи ва қурилиш машиналаридан фойдаланиш бўйича – ягона ва идоравий нормалар ҳамда қурилиш, монтаж ва қурилиш таъмирлаш ишлари расценкалари (ЕНиР, ВНиР).;

материаллар бўйича – материаллар сарфининг умумий ишлаб чиқариш нормалари, конструкциялар бўйича эса – ишчи чизмаларга бўлган спецификация асосида;

қурилиш машиналаридан фойдаланиш бўйича – ишлаб чиқариш нормалари (ЕНиР и ВНиР) асосида. Ишлаб чиқариш нормаларида зарур маълумотлар бўлмаган тақдирда қурилиш машиналаридан фойдаланиш учун зарур бўлган вақтни, вақт меъёрини бўлимнинг таркибига бўлиш орқали аниқлаш ёки алоҳида ҳолларда машиналарнинг технологик хариталарида қабул қилинган техник қувватига асосланган ҳолда аниқлаш лозим;

Меҳнат сарфи ва қурилиш машиналаридан фойдаланиш вақтини аниқлашда ишлаб чиқариш нормаларидан смета нормаларига ўтиш коэффициентлари ҳисобга олиниши зарур.

2.5 Ресурс элементли смета нормаларини қоида бўйича, ҳажми ишчи хужжатлар асосида аниқ ва осон аниқланиши мумкин бўлган ишлар ўлчовлари бўйича ишлаб чиқилади.

Хронометраж ишларидан фойдаланилганда ҳам ўлчов бирлиги, кузатувлар ўтказилаётган ҳақиқатда бажариладиган ишлар ҳажмига мувофиқ равишда қабул қилинади.

Смета хужжатларини ишлаб чиқишда қийин ҳисоб китоб талаб этмайдиган, қурилиш тажрибасида қабул қилинган, бажариладиган ишларга ёки конструкцияларни бунёд этишга мос равишдаги ўлчов birlikларидан РЭСН ўлчовлари сифатида фойдаланилади.

2.6 Ресурс элементли смета нормалари таркибига фақат бевосита сарфланадиган ҳаражатлар киритилиши лозим, жумладан, материаллар, маҳсулотлар ва конструкцияларни объект олди омборидан уларни ўрнатиш жойигача ташиш, монтаж қилиш ёки ишга туширишга тайёрлаш учун ички қурилиш транспорт сарфлари.

Материал ресурсларнинг тайёрлаш жойидан (олиш) уларни иншоот олди омборига олиб келиш (иншоот олди омборига туширишни ҳисобга олган ҳолда) билан боғлиқ харажатлар ресур элементли смета нормалари таркибига киритилмайди.

*Маълумот ўрнида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича сарф-ҳаражатлар таркиби, ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги” 05.02.1999 йил, 54 сон Қарорига мувофиқ равишда қурилишнинг ҳисобий қийматида инobatга олинadиган пудратчининг бошқа харажатлари (1.5. бўлим – ишлаб чиқаришга тегишли бошқа харажатлар ва 2- бўлим – давр харажатлари) ва режавий фойда ҳисобига амалга ошириладиган бошқа харажатлар ресурс элементли смета нормалари таркибига киритилмайди.*

2.7 Бир номли ресурсли элемент смета нормалари (маълум бир ер ускунаси билан боғлиқ ер ишлари – тупроқни тоифаларга ажратган ҳолда, қувурлар – диаметрларга ажратган ҳолда, ғишт териш – иш турларига ажратган ҳолда ва х. к. з.) жадвалларга бирлаштирилади.

Ресурс элементли смета нормалари конструкция ва ишлар турлари бўйича (масалан: ер ишлари, ғишт ва блоклардан бўлган конструкциялар, ташқи канализация тармоқлари) гуруҳларга ажратиш ва нормалардан фойдаланиш шартлари ва тартибини ҳамда иш ҳажмини ҳисоблаш коидаларини белгиловчи ва мувофиқ бўлимлар ва ресурс элементли смета нормалари ва жадвалларини ўз ичига оладиган алоҳида меъёрий тўпламларга киритиш лозим.

Ресурс элементли смета нормалари тўпламлари рўйхати (ШНҚ 4.02) 1-жадвалда келтирилган.

2.8 Ресурс элементли смета нормаларининг ҳар бир жадвалида номланиши, ишларни бажаришдаги асосий жараёнлар таркибининг қисқача рўйхати, ҳамда ишларнинг ўлчови ва унинг нормалари келтирилган бўлиши керак.

Одатда иш таркибининг қисқача рўйхатида иккинчи даражали ишлар келтирилмайди, лекин нормаларда ҳисобга олинади.

Ресурс элементли смета нормаларида материаллар номи имкон қадар бирхиллаштирилган бўлиши ва уларнинг сарф меъёрлари умумлаштирилган бўлиши лозим. Бир неча марта ишлатиладиган материаллар нормалари (қолип, маҳкамлагич ва х.к.з.) уларнинг айланиши сони ва мумкин бўлган йўқотишларни инobatга олган ҳолда ҳисобланиши лозим.

Ресурс элемент смета меъёри намунаси ва жадвали намунаси 2-жадвалда келтирилган.

### **3 ИШЧИ-ҚУРУВЧИЛАР МЕҲНАТ САРФИ, ҚУРИЛИШ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР ЭҲТИЁЖИ, МАТЕРИАЛ РЕСУРСЛАРИ, ИЧКИ ҚУРИЛИШ ТРАНСПОРТИ МАТЕРИАЛ РЕСУРСЛАРИ ҲИСОБИ МЕЪЁРЛАРИНИ АНИҚЛАШ**

3.1 Ресурс элементли смета нормаларини ишлаб чиқишда ишчи-қурувчилар меҳнат сарфи меъёрларини меҳнат бўйича меъёрий база асосида (ЕНиР, ВНиР тўпламлари) ва/ёки хронометраж кузатув ишлари ёрдамида аниқлаш мумкин (4-илова).

Хронометраж ишларининг асосий усули норматив кузатувлар ҳисобланиб, ишчи-қурувчилар меҳнат сарфи, қурилиш машина ва механизмларидан фойдаланиш вақти, материал-техник ресурслар сарфини қайд этиш ва ҳужжатлаштиришга асосланади.

ЕНиР, ВНиР тўпламларида келтирилган меҳнат сарфи меъёрлари шундай ҳолларда қўлланилади, уларда бажариладиган ишлар технологияси (таркиби) назарда тутилган бўлса, шунингдек ресурс элементли смета нормаси ишлаб чиқиладиган турга, ижрочи малакали-ишчи звено таркиби бажариладиган ишлар учун долзарб бўлса. Бу ҳолларда кўрсатилган тўпламларни қўллаш мумкинлиги тушунтириш хатлариди асослаб келтирилади.

Ишчи қурувчилар меҳнат сарфи меъёрларига шу жумладан, ортиш - тушириш ишларини инобатга олган ҳолда (ёрдамчи ишчилар, такелажниклар) ички қурилиш транспортида материал ресурсларни иншоот олди омборидан иш зонасигача ва иш зонаси ҳудудида банд бўлган ишчилар киритилади.

3.2 Ресурс элементли смета нормаларини ишлаб чиқишда машина ва механизмлардан фойдаланиш сарфи меъёрларини меҳнат бўйича меъёрий база асосида (ЕНиР, ВНиР тўпламлари), ва/ёки хронометраж ишлари (меъёрий кузатувлар) ёрдамида аниқлаш мумкин.

Ресурс элементли смета нормаларини комплекс механизацияланган жараёнларда бажариш ҳолларида (масалан, йўл қурилишида) комплекс жараёнда иштирок этаётган қурилиш машиналари ишининг мувофиқ вақт сарфлари, етакчи машина вақт сарфлари бўйича аниқланади.

Жараёнда иштирок этадиган, комплекс жараёнда машиналарни танлаш ҳар бир машинадан оптимал даражада фойдаланишни таъминлаш шартларидан келиб чиқиб амалга оширилади.



Бунда комплекс механизациялашган жараён остида, якуний натижага бир бутун бўлиб бирлаштирилган, бир вақтни ўзида бажариладиган ва ташкилий бир бирига боғлиқ бўлган қурилиш машиналаридан фойдаланилдиган иш операциялари тушунилади.

3.3 Материал ресурслар сарфи эҳтиёжлари амалдаги қурилиш иш турлари ва материаллар сарфи меъёрий кўрсаткичлари тўпламлари асосида аниқланади.

Қурилиш материалларнинг меъёрий сарфлари мавжуд бўлмаган ҳолларда ишларни бажариш иш турлари (иш операцияси) учун зарурий қурилиш материаллар ресурслари сони мавжуд дастлабки маълумотлар (ишчи чизмалар, спецификациялар, технологик крталар ва шу кабилар) асосида аниқланади.

Материал ресурслар сарфи меъёрлари бўйича дастлабки маълумотлар етарлича бўлмаган ҳолларда хронометраж ишлари ёрдамида аниқланади.

Қурилиш материаллари эҳтиёжини, табиий йўқатишлар ва чиқиндиларни иншоот олди омборларидан ишлатиш жойигача ташиш сарфларини инобатга олган ҳолда аниқлаш лозим.

Бир неча қайта ишлатиладиган материал ва инвентарларнинг эҳтиёжлари уларнинг ҳар бир фойдаланишдан кейинги демонтаж қилиш ва тиклаш бўйича қўшимча сарфларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

#### **4 РЕСУРС ЭЛЕМЕНТЛИ СМЕТА НОРМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР**

4.1 Ресурс элементли смета нормалари таркибига кирувчи смета нормаларидаги материаллар сарфи ишлаб чиқариш ишлари учун буюртма қилиш ва уларни ҳисобдан чиқаришга асос бўлиб хизмат қилмайди.

4.2 Ишчилар, материаллар, буюмлар, конструкциялар ва қурилиш машиналарнинг меъёрий эҳтиёжини ҳисоблашда ресурс элементли смета нормаларида қабул қилинган ўлчовлар, ишларни бажариш учун қулай об-ҳаво шароитида амалга оширилиши лозим. Ноқулай об-ҳаво шароитида ишларни бажариш билан боғлиқ қўшимча ҳаражатлар ШНҚ 4.07.01 “Қиш вақтида қурилиш-монтаж ишлари ва қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширишдаги қўшимча ҳаражатлар смета нормалари тўплами” талабларига асосан белгиланган тартибда аниқланади.

4.3 Ресурс элементли смета нормалари бўш майдонларда янги иншоотларни қуришда (қийинлаштирувчи шароитларни ҳисобга олмаган ҳолда) нормал ишлаш шароитидан, омбордан фойдаланиш ва материаллар,

маҳсулотлар ва конструкцияларни ички қурилиш транспортировкаси шароитидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.

Амалдаги корхоналар ва иншоотларни реконструкция қилиш, кенгайтириш ёки қайта техник қуроллаш ишлари билан боғлиқ қийинлаштирувчи шароитларни инобатга олиш учун мувофиқ ресурс элементли смета нормалари (қисмларга ажратиш, демонтаж қилиш, конструкцияларни алмаштириш ва х.к.з.) ишлаб чиқилади ёки, агар қурилишни ташкил қилиш лойиҳасида айна пайтда фойдаланишда бўлган, юқори кучланишли иншоотлар яқинида бўлган бино ва иншоотларда, мураккаб транспорт ва муҳандислик коммуникациялари бўлган амалдаги корхоналар худудида ва материалларни сақлаш учун омборлари тор бўлган ва бошқа қийинчилик туғдирувчи шароитларда ишларни бажариш кўзда тутилган бўлса, меҳнат сарфи ва машиналардан фойдаланишнинг ресурс элементли смета нормаларига нисбатан 3-иловада келтирилган коэффициентлар қўлланилиши керак.

4.4 Бино ва иншоотларнинг алоҳида конструкцияларини демонтаж қилишга сарфланадиган тўғридан-тўғри харажатлар, ҳамда демонтаж (бўлақларга ажратиш) учун зарур ресурс элементли смета нормалари бўлмаганда ички санитария-техника учқуналарини ва ташқи тармоқларни демонтаж қилиш харажатларини санитария-техника усқуналари материаллари, маҳсулотлари ва конструкцияларини ҳисобга олмаган ҳолда, мувофиқ монтаж (йиғиш, ўрнатиш) нормаларига биноан аниқлашга, меҳнат сарфи ва машиналардан фойдаланиш ресурс нормаларига нисбатан қуйидаги коэффициентларни қўллаган ҳолда йўл қўйилади:

а) йиғма темирбетон ва бетон конструкцияларни демонтаж қилишда – 0,8;

б) йиғма ёғоч конструкцияларни демонтаж қилишда – 0,8;

в) ички санитария-техника усқуналарини (водопровод, канализация, оқова сув қувурлари, иситиш, вентиляция) демонтаж қилишда – 0,4;

г) ташқи сув қувурлари, канализация, иссиқлик таъминоти тармоқларини демонтаж қилишда – 0,6;

д) металл конструкцияларни демонтаж қилишда:

0,6- меҳнат сарфи нормаларига нисбатан;

0,7 – машиналардан фойдаланиш нормаларига нисбатан.

д) банди ШНҚ 4.02.09. тўпламидан ташқари қабул қилинади.

е) демонтаж ишларида иштирок этмайдиган машина ва механизмлардан ташқари.

4.5. Ресурс элементли смета нормалари капиталлиги ва сифатига юқори талаблар бўлган ноёб бино ва иншоотларни қуришда қўлланиладиган алоҳида конструкциялар ва ишларга, шунингдек пардозлаш ишлари талаблари оддий бўлган паст навли материаллардан вақтинчалик бино ва иншоотларни бунёд этишда амалга ошириладиган алоҳида конструкциялар ва ишларга тадбиқ этилмайди.

Баландлиги 8 метрдан паст бўлган камқаватли бино ва иншоатлари бунёд этишда нормалардаги ресурсларни “Минорали кран” ва “Кран козловой” “Автомобиль кран” ресурсига алмаштириш мумкин.

Қурилиш ишлаб чиқариши жараёни технологиясини бузмаган ҳолда, зарур ҳолларда бир турдаги машинани иккинчи турдаги ишлаб чиқариши ва иқтисодий самарадорлиги юқорироқ бўлган механизмга алмаштиришга (агрегировать) рухсат этилади.

**Қурилиш ишларига ресурс элементли смета нормалари тўпламлари  
рўйхати (ШНҚ 4.02.)**

Тўпламлар шифри №	Қурилиш ишлари ва қурилиш – таъмирлаш ишлари реурс элементли смета нормалари номи
ШНҚ 4.02.00	Қурилиш ишларига ресурс элементли смета нормаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш бўйича умумий низом
ШНҚ 4.02.01	Ер ишлари
ШНҚ 4.02.02	Тоғ-кон юзасини очиш ишлари
ШНҚ 4.02.03	Бурғулаш портлатиш ишлари
ШНҚ 4.02.04	Қудуқлар
ШНҚ 4.02.05	Қозиқ ишлари. Пастга тушириладиган қудуқлар. Тупроқни мустаҳкамлаш.
ШНҚ 4.02.06	Монолит темирбетон ва бетон конструкциялар
ШНҚ 4.02.07	Йиғма темирбетон ва бетон конструкциялар
ШНҚ 4.02.08	Ғишт ва блоklarдан бўлган конструкциялар
ШНҚ 4.02.09	Металл конструкциялар
ШНҚ 4.02.10	Ёғоч конструкциялар
ШНҚ 4.02.11	Поллар
ШНҚ 4.02.12	Томлар
ШНҚ 4.02.13	Қурилиш конструкциялари ва жиҳозларни занглашдан асраш
ШНҚ 4.02.14	Қишлоқ қурилишидаги конструкциялар
ШНҚ 4.02.15	Пардозлаш ишлари
ШНҚ 4.02.16	Ички қувурлар
ШНҚ 4.02.17	Сув қувурлари ва канализация. Ички қурилмалар
ШНҚ 4.02.18	Иситиш. Ички қурилмалар
ШНҚ 4.02.19	Газ таъминоти – ички қурилмалар
ШНҚ 4.02.20	Вентиляция ва ҳавони кондиционерлаш
ШНҚ 4.02.21	Вақтинчалик йиғма-ёйма бино ва иншоатлар
ШНҚ 4.02.22	Сув қувурлари – ташқи тармоқлар
ШНҚ 4.02.23	Канализация – ташқи тармоқлар
ШНҚ 4.02.24	Иссиқлик таъминоти ва газ қувурлари – ташқи тармоқлар
ШНҚ 4.02.25	Газ-нефть маҳсулотлари магистрал қувурлари
ШНҚ 4.02.26	Иссиқлик изоляцияси ишлари
ШНҚ 4.02.27	Автомобиль йўллари
ШНҚ 4.02.28	Темир йўллари
ШНҚ 4.02.29	Тунеллар ва метрополитенлар
ШНҚ 4.02.30	Кўприklar ва қувурлар
ШНҚ 4.02.31	Аэродромлар
ШНҚ 4.02.32	Трамвай йўллари
ШНҚ 4.02.33	Электр ўтказгич тармоқлари

Тўпламлар шифри №	Қурилиш ишлари ва қурилиш – таъмирлаш ишлари реурс элементли смета нормалари номи
ШНҚ 4.02.34	Алоқа, радио ва телевидение иншоотлари
ШНҚ 4.02.35	Тоғ-кон ўтиш ишлари
ШНҚ 4.02.36	Гидротехник иншоотларнинг ер конструкциялари
ШНҚ 4.02.37	Гидротехник иншоотларнинг бетон ва темирбетон конструкциялари
ШНҚ 4.02.38	Гидротехник иншоотларнинг тош конструкциялари
ШНҚ 4.02.39	Гидротехник иншоотларнинг металл конструкциялари
ШНҚ 4.02.40	Гидротехник иншоотларнинг ёғоч конструкциялари
ШНҚ 4.02.41	Гидротехник иншоотлардаги гидроизоляция ишлари
ШНҚ 4.02.42	Соҳилни (қирғоқларни) мустаҳкамлаш ишлари
ШНҚ 4.02.43	Стапел ва слипларнинг кема ўтиш йўллари
ШНҚ 4.02.44	Сув ости-қурилиш (ғоввослик) ишлари
ШНҚ 4.02.45	Саноат печлари ва қувурлари
ШНҚ 4.02.46	Бино ва иншоотларни реконструкция қилишдаги ишлар
ШНҚ 4.02.47	Кўкаламзорлаштириш. Ўрмон экинлари. Кўп йиллик хосилдор экинлар
ШНҚ 4.02.48	Денгиз шароитида нефть ва газ қудуқлари
ШНҚ 4.02.49	Нефть ва газ қудуқлари

*Изоҳ: тўпламларни қайта кўриб чиқиш ва қайта тасдиқлаш жараёнида рўйхатга ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

2-илова  
(ресурс элементли смета  
нормалари намуна жадвали)

**ШНҚ 4.02.11-04. ТЎПЛАМ 11  
“ПОЛЛАР”**

**11-01-056 Жадвал**

**Қуйма поллар учун қуруқ ва қуйма қаришмаларни ўрнатиш**

Ишлар таркиби:

01. Асосни тозалаш (1, 2 меъёрлар). 02. Асосни грунтоткаш (1, 2 меъёрлар). 03. Қуруқ қоришмадан қоришма тайёрлаш (1, 2 меъёрлар). 04. Тайёр қоришмадан қуйма полни ўрнатиш (1,3 меъёрлар).

**Ўлчов: 100 м<sup>2</sup> пол**

11-01-056-01 Қуруқ қоришмалар таркибидан иборат қалинлиги 3 мм бўлган қуйма полларни қуриш

11-01-056-02 Қалинлиги 5 мм бўлган қуруқ қоришмалар таркибидан иборат қуйма полларни қуриш

11-01-056-03 5 мм қалинликдан кейинги қатламга 1 мм қалинликдаги қатлам қушилади

Ресурс коди	Харажат элементлари номи	Ўлчов бирлиги	11-01-056-01	11-01-056-02	11-01-056-03
<b>1</b>	Қурувчи-ишчиларнинг меҳнат харажати	киши- с	5,71	9,52	1,90
<b>2</b>	Машинистларнинг меҳнат харажатлари	киши- с	0,29	0,48	0,09
<b>3. МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР</b>					
00521	Электр дреллар	маш.-с	3,31	5,52	1,10
01522	Мачтали қурилиш кўтаргичлари 0,5 т	маш.-с	0,13	0,21	0,04
02509	Юк кўтариш қобилияти 5т гача бўлган бортли автомобиллар	маш.-с	0,16	0,27	0,05
<b>4. МАТЕРИАЛЛАР</b>					
31593	Қуйма полларни қуриш учун қуруқ аралашма (лойиҳа бўйича)	кг	540	900	180
31434	Грунтотка	т	0,03	0,03	-
09219	Сув	м <sup>3</sup>	0,37	0,615	0,120

**ЛОЙИҲАЛАРДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ИШЛАРНИ БАЖАРИШ  
ШАРОИТАЛАРИ ТАЪСИРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ УЧУН МЕҲНАТ  
САРФИ ВА МАШИНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САРФЛАРИ  
НОРМАЛАРИГА КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

№ т.р.	Ишларни бажариш шaroитлари	Коэффициентлар
1	ҚТЭ билан асосланган ҳолларда, бинонинг мавжуд қоробқаси ичидаги саноат бинолари ва иншоотларини конструкциялари элементларини барпо этиш билан боғлиқ қурилиш ишларини (пойдеворлар, каркас элементлари, деворлар, ораёпмалар ва б.) амалга ошириш.	1,2
2	Ишларга ҳалал берувчи жиҳозлар ва бошқа нарсалардан бўшатиш, фойдаланишдаги бино ва иншоотларда қурилиш ишларини бажариш.	1,2
3	Тор шaroитли, мавжуд бино ва иншоотларда қурилиш ишларини бажариш: ишларни бажариш майдонида амалдаги технологик усқунанинг (дастгоҳлар, қурилмалар, кранлар ва х.к.з.) ёки катта қўпол буюмларнинг (лаборотория усқуналари, мебель ва х.к.з) мавжудлиги ёки цех ичи йўлларида транспорт қатнаши.	1,35
3.1	Тор шaroитли, мавжуд бино ва иншоотларда қурилиш ишларини бажариш: ишларни бажариш майдонида амалдаги технологик усқунанинг (дастгоҳлар, қурилмалар, кранлар ва х.к.з.) ёки катта қўпол буюмларнинг (лаборотория усқуналари, мебель ва х.к.з) мавжудлиги ёки цех ичи йўлларида транспорт қатнаши, иш жойидаги ҳаво ҳарорати 40 °С дан юқори ҳолларда.	1,5
3.2	Тор шaroитли, мавжуд бино ва иншоотларда қурилиш ишларини бажариш: ишларни бажариш майдонида амалдаги технологик усқунанинг (дастгоҳлар, қурилмалар, кранлар ва х.к.з.) ёки катта қўпол буюмларнинг (лаборотория усқуналари, мебель ва х.к.з) мавжудлиги ёки цех ичи йўлларида транспорт қатнаши, иш шaroитлари зарарли бўлганда, бунда корхона ишчиларига қисқартирилган иш куни белгиланган, қурувчи – ишчиларнинг иш кунлари эса одатий давомликда бўлганда.	1,5

№ т.р.	Ишларни бажариш шароитлари	Коэффициентлар
3.2.1	Тор шароитсиз, мавжуд бино ва иншоотларда қурилиш ишларини бажариш, бироқ иш шароитлари зарарли бўлганда, бунда корхона ишчиларига қисқартирилган иш куни белгиланган, қурувчи – ишчиларнинг иш кунлари эса одатий давомликда бўлганда.	1,35
3.3	Тор шароитли, фойдаланишдаги бино ва иншоотларда қурилиш ишларини бажариш: ишларни бажариш майдонида амалдаги технологик ускунанинг (дастгоҳлар, қурилмалар, кранлар ва х.к.з.) ёки катта қўпол буюмларнинг (лаборатория ускуналари, мебель ва х.к.з) мавжудлиги ёки цех ичи йўлларидадан транспорт қатнаши, иш шароитлари зарарли бўлганда, бунда қурувчи – ишчилар қисқартирилган иш кунига ўтказилган ва иш хафтаси 36-соатлик бўлганда.	1,7
3.3.1	Тор шароитсиз, мавжуд бино ва иншоотларда қурилиш ишларини бажариш, бироқ иш шароитлари зарарли бўлганда, бунда қурувчи – ишчилар қисқартирилган иш кунига ўтказилган ва иш хафтаси 36-соатлик бўлганда.	1,55
3.4	Тор шароитли, фойдаланишдаги бино ва иншоотларда қурилиш ишларини бажариш: ишларни бажариш майдонида амалдаги технологик ускунанинг (дастгоҳлар, қурилмалар, кранлар ва х.к.з.) ёки катта қўпол буюмларнинг (лаборатория ускуналари, мебель ва х.к.з) мавжудлиги ёки цех ичи йўлларидадан транспорт қатнаши, иш шароитлари зарарли бўлганда, бунда қурувчи – ишчилар қисқартирилган иш кунига ўтказилган ва иш хафтаси 30-соатлик бўлганда.	2,05
3.4.1	Тор шароитсиз, мавжуд бино ва иншоотларда қурилиш ишларини бажариш, бироқ иш шароитлари зарарли бўлганда, бунда қурувчи – ишчилар қисқартирилган иш кунига ўтказилган ва иш хафтаси 30-соатлик бўлганда.	1,9



№ т.р.	Ишларни бажариш шароитлари	Коэффициентлар
3.5	Тор шароитли, фойдаланишдаги бино ва иншоотларда қурилиш ишларини бажариш: ишларни бажариш майдонида амалдаги технологик ускунанинг (дастгоҳлар, қурилмалар, кранлар ва х.к.з.) ёки катта қўпол буюмларнинг (лаборатория ускуналари, мебель ва х.к.з) мавжудлиги ёки цех ичи йўлларида транспорт қатнаши, иш шароитлари зарарли ва иш жойлари тор бўлган, бунда қурувчи – ишчилар қисқартирилган иш кунига ўтказилган ва иш хафтаси 24-соатлик бўлганда.	2,3
3.5.1	Тор шароитсиз, мавжуд бино ва иншоотларда қурилиш ишларини бажариш, бироқ иш шароитлари зарарли ва иш жойлари тор бўлган, бунда қурувчи – ишчилар қисқартирилган иш кунига ўтказилган ва иш хафтаси 24-соатлик бўлганда.	2,15
4	Қурилиш ишларини тор шароитларда очиқ ва ярим очиқ ишлаб чиқариш майдончаларида бажариш: ишларни бажариш майдонида амалдаги технологик ускунанинг мавжудлиги ёки технологик транспортнинг қатнаши	1,15
4.1.	Қурилиш ишларини тор шароитларда очиқ ва ярим очиқ ишлаб чиқариш майдончаларида бажариш, иш жойидаги ҳаво ҳарорати 40 °С дан юқори ҳолларда.	1,5
4.2	Қурилиш ишларини тор шароитларда очиқ ва ярим очиқ ишлаб чиқариш майдончаларида бажариш: ишларни бажариш майдонида амалдаги технологик ускунанинг мавжудлиги ёки технологик транспортнинг қатнаши, иш шароитлари зарарли бўлганда (буғ, чанг, зарарли газлар, тутун ва х.к.з. мавжуд бўлганда), бунда корхона ишчиларига қисқартирилган иш кунни белгиланган, қурувчи – ишчиларнинг иш кунлари эса одатий давомликда бўлганда.	1,25
5	Қурилиш ва бошқа ишларини, ёқори босим остида бўлган, шу жумладан қўриқланадиган зонада ишлаб турган ҳаво электр тармоқлари иншоотлари ёнида амалга ошириш.	1,2

№ т.р.	Ишларни бажариш шароитлари	Коэффициентлар
6	Қурилиш ишларини ер юзасидан 3 м дан пастда жойлашган ёпиқ иншоотларда (хоналарда) амалга ошириш (шахта, кон, метрополитен, туннеллар ва бошқа ерости иншоотлар, шу жумладан махсус белгиланган, тунги вақтда фойдаланиладиган “дарчага” тунеллар ва метрополитенлардан ташқари).	1,1
7	Янги объектларни тор шароитларда қуриш: тармоқланган транспорт ва муҳандислик коммуникациялари мавжуд бўлган ва материалларни сақлаш жойи тор бўлган амалдаги корхоналар ҳудудларида.	1,15
8	Муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини, шунингдек фуқаро-турар жой иншоотларини шаҳар иморатлари қурилган қисмларининг тор шароитларида қуриш	1,15
9	Объектларни тоғнинг кескин кесиб ўтган рельефли қиялиқарида, тор шароитларда 1500 м гача баландликда бўлган табиий ландшафтни сақлаб қолган ҳолда қуриш	1,2
9.1	Денгиз сатхидан баландлиги 1500 м дан 2500 м гача бўлган тоғли жойларда иншоотларни қуриш	1,25
9.2	Денгиз сатхидан баландлиги 2500 м дан 3000 м гача бўлган тоғли жойларда иншоотларни қуриш	1,35
9.3	Денгиз сатхидан баландлиги 3000 м дан 3500 м гача бўлган тоғли жойларда иншоотларни қуриш	1,5
10	Қурилиш ва махсус қурилиш ишларини ерости шароитларида амалга ошириш, шахталар, конлар, метрополитенлар, туннеллар ва бошқа ерости иншоотлар, шу жумладан махсус белгиланган: қисқартирилган иш кунини инобатга олувчи, ишларни бажаришда зарарли шароитлар бўлмаганда	1,68
10.1	Қурилиш ва махсус қурилиш ишларини ерости шароитларида амалга ошириш, шахталар, конлар, метрополитенлар, туннеллар ва бошқа ерости иншоотлар, шу жумладан махсус белгиланган: ишларни бажариш иш шароитлари зарарли ва иш ҳафтаси қисқартирилган 36-соатлик бўлганда.	2,05

№ т.р.	Ишларни бажариш шароитлари	Коэффициентлар
10.2	Қурилиш ва махсус қурилиш ишларини ерости шароитларида амалга ошириш, шахталар, конлар, метрополитенлар, туннеллар ва бошқа ерости иншоатлар, шу жумладан махсус белгиланган: ишларни бажариш иш шароитлари зарарли ва иш ҳафтаси қисқартирилган 30-соатлик бўлганда.	2,4
10.3	Қурилиш ва махсус қурилиш ишларини ерости шароитларида амалга ошириш, шахталар, конлар, метрополитенлар, туннеллар ва бошқа ерости иншоатлар, шу жумладан махсус белгиланган: ишларни бажариш иш шароитлари зарарли ва иш ҳафтаси қисқартирилган 24-соатлик бўлганда.	2,8
11	Қурилиш ва махсус қурилиш ишларини амалга ошириш, “дарчага” тунги вақтда фойдаланиладиган тунеллар ва метрополитенлар: курувчиларни, фақат иш сменаси давомида “дарча” билан боғлиқ ишларни бажариш учун фойдаланишда	3
11.1	Қурилиш ва махсус қурилиш ишларини амалга ошириш, “дарчага” тунги вақтда фойдаланиладиган тунеллар ва метрополитенлар: иш сменасини “дарча” билан боғлиқ бўлмаган (туннелга ишчиларни киритгунгача ва туннелдан чиқаргандан сўнг) ишларни бажариш учун фойдаланишда	2

### ИЗОХ:

1. Ҳаво электр тармоқлари бўйлаб қўриқланадиган майдон деганда, параллел тўғри чизиқлар орасидан ўтадиган вертикал яссиликлар орасида бўлган чекка симлардан (ўчириб қўйилмаган ҳолда) м масофада бўлган макон ва ер майдони тушунилади:

кучланишли тармоқлар учун :	1 кв гача	2
	1 дан 20 кв гача кирган ҳолда	10
	35 кв	15
	110 кв	20
	150 кв	25
	220 кв	25
	330 кв	30
	400 кв	30
	500 кв	30
	750 кв	40
	1150 кв	55
	800 кв	30
	(ўзгармас ток)	

2. Шаҳарнинг иморатлар қурилган қисмларидаги тор шароитлар қуйида келтирилган уч омилнинг мавжудлиги билан тавсифланади:

-бузилган қопламларни тиклаш ва яшил ўсимликларни экишни ҳисобга олган ҳолда қурилишни кичик қамровларда, барча ишларни бир қамровда бажарилишини шартловчи бевосита иш жойига яқинликда шаҳар транспорти ва пиёдаларнинг тўхтовсиз ҳаракатланиши;

-осиб қўйилиши ёки сурилиши керак бўлган мавжуд ерости тармоқ коммуникациялари;

-бевосита иш жойига яқин бўлган турар жой ёки ишлаб чиқариш бинолари шунингдек сақланадиган яшил ўсимликлар;

-материаллар сақлаш учун тор шароитлар ёки иш жойларини материаллар билан етарли даражада таъминлаш учун уларни қурилиш майдонида сақлаш имконияти йўқлиги.

3. Ресурс смета ҳужжатларини тузишда коэффициентларни қўллаш лойиҳаларда асосланган бўлиши керак. Бир вақтнинг ўзида бир неча коэффициентларни (5 ва 6 бўлим коэффициентлари бундан мустасно) қўллашга йўл қўйилади. 5 ва 6 бандда кўрсатиб ўтилган коэффициентлар бошқа коэффициентлар билан бирга қўлланилиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида бир неча коэффициентлар қўлланилганда улар бир бирига кўпайтирилади.

4. Мазкур коэффициентлар 46-тўплам “Бино ва иншоотларни реконструкция қилишдаги ишлар”нинг ресурс элементли смета нормаларига таълуқли эмас.

5. Фуқаро-турар жой иншоотлари бўйича 7-бўлим коэффициентлари ички пардозлаш, сантехника, электротехника ва бошқа ишларга таълуқли эмас.

4-илова  
(хронометраж кузатувлари баёни  
тузиш намунавий мисоли)

**Тасдиқлайман**  
**Рахбар**  
**Ф.И.Ш**  
«\_\_»\_\_\_\_20\_\_й.

.....иншооти бўйича хронометраж кузатувлар натижаси тўғрисида  
**БАЁНИ**

«\_\_»\_\_\_\_20\_\_й.

Тошкент ш.

Қуйидаги мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ «\_\_»\_\_\_\_20\_\_й.  
дан «\_\_»\_\_\_\_20\_\_й. гача даврда \_\_\_\_\_манзилдаги “объект  
номи” да хронометраж кузатувлари ўтказди.

### **I. Ишлаб чиқариш персонали.**

1.1. Ишчиларнинг квалификация маълумотлари жадвалда келтирилган:

<b>№</b> <b>Т.р.</b>	<b>ишчи звено аъзоси</b> <b>Ф.И.Ш.</b>	<b>Касби</b>	<b>Иш стажи:</b>
1.	.....	уста	...
2.	.....	ишчи	...
...	.....	.....	...

**II. Хронометраж кузатувлари ўтказилган иншоот ҳақида маълумот.**

2.1. Бош пудратчи - .....

2.2. Қурилиш – монтаж ишлари бошланиши - «\_\_»\_\_\_\_20\_\_йилдан  
тугатиш санаси - «\_\_»\_\_\_\_20\_\_йил.

**III. Хронометраж ўтказиладиган қурилиш – монтаж ишлари таркиби.**

Кузатувларда қуйидаги қурилиш ишлари таркиби инобатга олинган:

1. ....

2. ....

3. ва х.к.....

**IV. Бир бирлик қурилиш-монтаж ишларини кетма-кетлик билан бажариши боғланган ҳолда ҳақиқий вақт сарфлари 1 - жадвалда келтирилган:**

1 жадвал

№ Т.р.	Қурилиш ишлари номи	Персонал таркиби, одам	Вақт сарфи дақиқа	Умумий вақт сарфи дақиқа	изоҳ
1.		3	30	90	
2.		4	25	100	
....	.....	...	...	...	
<b>ЖАМИ:</b>				....	

**Фойдаланилган машина ва механизмлар:**

№ Т.р.	Механизм номи	Механизм сони	Вақт сарфи (дақиқа)
1	Юк кўтариш қобилияти 5 т гача бўлган бортли автомобиллар	1	0,2
2	Электроперфораторлар	1	0,03
3	Мачтали қурилиш кўтаргичлари 0,5 т	1	0,15
...	.....	.....	....
<b>ХАММАСИ</b>			.....

**Ўрнатишдаги қурилиш материаллари сарфи:**

№ Т.р.	Матриал номи	Ўл.бир.	Ўл.бир. сони
1.	Гранит.....	м2	.....
2.	.....	шт	.....
3.	.....	.....	.....
...	.....	.....	.....

**Ишчи гуруҳ маъсул мутахассислари имзоси**

Лавозим	Ф.И.Ш.	Имзо

Изоҳ:

1. Хронометраж кузатувлар баёни, хронометраж ўтказилган ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

2. Янги технологиялар, машина ва механизмлар, материаллар ва б.ни қўллаш учун иншоот бўлмаган ҳолларда хронометраж кузатувлар баёни ишлаб чиқариш шароитларида ҳам ўтказилиши ва тузилиши мумкин.